ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОТИВАЦИОН ОМИЛЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ КУЧАЙТИРИШДА БОШҚАРУВ МУАССАСАЛАРИ ТАЪСИРИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Джамолов Ўткир Илхомович, и.ф.ф.д., доцент – Jizzax politexnika instituti.

Аннотация. *Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга Давлатимиз раҳбарининг эътибори, тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантириш услубиётини кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўллари ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Кичик бизнес, тадбиркорлик, ишбилармонлик, мативация, рақобатбардошлик, ижтимой, иқтисодий аҳамият.*

Аннотация. *В статье рассматривается внимание главы государства к развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, пути снижения влияния институтов управления в укреплении методологии развития предпринимательской деятельности на основе мотивационных факторов.*

Ключевые слова: *Малый бизнес, предпринимательство, предпринимательская деятельность, мотивация, конкурентоспособность, перспективность, экономическая значимость.*

Annotation. *The article reflects on the attention of the head of state to the development of small business and private entrepreneurship, ways to reduce the impact of management institutions in strengthening the methodology for the development of entrepreneurial activity on the basis of motivational factors.*

Key words: *Small business, entrepreneurship, business, mativasia, competitiveness, ijtimoy, economic importance.*

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ва жамият қурилишининг ўзимизга хос моделини вужудга келтириш, давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш борасида тизимли, босқичма-босқич ислоҳотлар стратегияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида таъкидланганидек, бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маьмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда,

уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.



1-чизма. Тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўллари[96]

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда

[96] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Маълумки, эркинлаштириш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;
- нархларнинг устун равишда талаб ва таклиф нисбати асосида шакл-лантирилишига ўтиш;
- ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш ва ҳ.к.

Юқоридаги чизмадан кўриш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўллари келтирилган бўлиб, бунга кўра:

- Тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожланишини жойларда тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини амалга ошириш кенг йўлга қўйиш;
- Тадбиркорларнинг меъёрий ҳужжатларни билиш ҳолати таҳлил қилинади ва бу орқали уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш белгилаб олинади;
- Тадбиркорлик фаолияти субъектлари соҳага тегишли меёърий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилади ва уларни рағбатлантириш ҳолати таҳлил қилиниб, уни мотивацион омиллар асосида кучайтириш услубиёти тавсия этилади;
- Бошқарув органлари тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш. Бунда бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятига қонунда белгиланмаган тартибда аралашмаслиги чоралари ишалб чиқилади;
- Тадбиркорлик фаолиятни ташкил этиш ва юритиш борасидаги дастурлар яратилиб, унга кўра тадбиркорларни рўйхатга олиш ишларини соддалаштириш имкониятлари шакллантирилади ҳамда бу борадаги ишларни қонуний тартибга солиш тадбирлари ишлаб чиқилади;
- Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишни ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширишни шакллантириш. Бунда, фаолиятни ташкил этишдаги турли тўсиқлар ва қоғоз юритишни камайтириш каби муаммолар ечим топади. Шу жиҳатдан бўлажак тадбиркор ва унинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни Интернет орқали етказиш ва буни эса маҳаллий ҳокимият ҳузуридаги инспекция ходимлари қабул қилиб атрофлича ўрганган ҳолда фаолиятни ташкил этишга асос деб топилса унга рухсатнома бериш масалалари ҳал бўлишига замин яратилади;
- Тадбиркорлик фаолиятига бошқарув органлари таъсири бартараф этилгандан кейинги ҳолат қайта таҳлил қилинади. Бу жараён айнан юқорида келтирилган мотивацион омиллар асосида тадбиркорликни ривожлантириш қўлланилади, агар бунда бошқарув органлари таъсири қайта таҳлил қилиниб сўнги хулоса натижалари адлия органларига мурожаат қилишга мажбурият пайдо бўлади.
- Бошқарув органлари таъсирини пасайтириш бўйича тадбиркорлик фаолиятига доир мотивациялар ишлаб чиқилади. Бунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ўз вақтида соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилади, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда тарғибот ва тушунтириш тадбирлари амалга оширилади.
- Тадбиркорликни мотивацион омиллар асосида бошқаришга доир стратегик дастур яратиб борилади. Соҳа олдида турган энг асосий муаммолардан бири тадбиркорлар фақат ўз бизнес режасига асосланган тарзда фаолият юритишлари, шунингдек, уларнинг мотивация тушунчасига тўлиқ эга эмасликлари ва буни бошқаришга тадбиқ эта олмасликлари стратегик ривожланиш жараёнига салбий таъсир этмоқда. Шуларни ҳисобга

олган ҳолда мотивация омилларини амалиётда бошқариш жараёнига тадбиқ этиш соҳанинг барқарор ривожланишига муҳим замин яратади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини мотивация омиллар асосида ривожлантиришда бошқарув органларининг таъсири мавжуд бўлар экан, унда соҳа ривожи бўлиши қийин, бунинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар аввало ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билишлари, агарда бошқарув органлари таъсири маълум бир даражада юзага келадиган бўлса, керакли маъмурий-ҳуқуқ органларига ўз вақтида мурожаат қилишлари, шу билан бирга Ҳукумат органларига мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир, бу эса ўз-ўзини мотивациялашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2024 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи.

2. Маслоу А. Г. Мотивация и личность. — СПб.: Евразия, 1999. — 478 с.

3. Ilhomovich, J. O. T. (2024). O'ZBEKISTONDA IQTISODIY KO'RSATKICHLARNI BASHORAT QILISHDA STATISTIK USULLARNI QO'LLASH. Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi, 8(4), 205-210.

4. Джамолов, Ў. И. (2023). Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш қобилиятини аниқлашга интеграл ёндашув. Экономика и социум, (6-2 (109)), 737-740.

5. Sarvar o’g’li, M. S. (2024). DAVLAT BOSHQARUV TIZIMINING VA UNING MOXIYATI. Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi, 8(4), 192-196.